

**Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан**  
**2025 йилнинг 12 ойи мобайнида жисмоний ва юридик шахсларнинг**  
**муурожаатлари билан ишлаш ҳолати тўғрисида**

**А Х Б О Р О Т**

Мухтарам Президентимиз томонидан ўткан 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, халқ билан мулоқот ва аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Жойларда аҳоли билан юзма-юз ва очик мулоқот ўтказиш, улар томонидан кўтарилаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ҳар ҳафтада вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонасида, шаҳар ва туманлар ҳудудида ҳамда вилоят ҳокимлигида мунтазам шахсий қабуллар, шунингдек ёшлар ҳамда тадбиркорлар учун алоҳида қабуллар ўтказилиб келинмоқда.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг “Telegramm”, “Веб-сайт” ва “Facebook”даги расмий саҳифалари орқали туну-кун муурожаатлар қабул қилиниб, ижрога қаратилиб, назоратга олинмоқда. Ёшларни қийнаб келаётган муаммоли масалалар ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш самарадорлигини ошириш мақсадида, вилоят ҳокимининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигининг “Ёшлар муурожаати” веб-сайти ва Call-center орқали муурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш тизими жорий этилган.

**Вилоят ҳокимлигига 2025 йил 12 ойи** давомида жисмоний ва юридик шахслардан **жами 3 587 та** муурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **2 099 та (ёки 59%)** оғзаки, **878 та (ёки 24%)** ёзма ва **608 та (ёки 17%)** виртуал муурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2024 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **4 454 тани** ташкил этгани ҳолда **867 та (ёки 24%)га** камайган.

2025 йилнинг 12 ойи давомида **вилоят ҳокимлигида** раҳбарлар томонидан **жами 2099 нафар** жисмоний ва юридик шахслар **қабул қилинган бўлиб, 2024 йилнинг худди шу даврида** бу кўрсаткич **3 028 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1019 нафарга (ёки 49%)га** камайган.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 12 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 878 та** ёзма муурожаатлар келиб тушган

бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **1 076 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **198 тага (ёки 22%)га камайган.**

Шунингдек, жорий йилнинг 12 ойи мобайнида вилоят ҳокимлигига Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали **жами 608 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **343 тани** ташкил этган ҳолда мурожаатл этувчилар сони **265 тага (ёки 44%)га кўпайган.**

Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири туришини инобатга олган ҳолда мурожаатларни бевосита муаллиф иштирокида ўрганиш, кўтарилган масалани ҳал этиш ёки қонунчиликда белгиланган нормалар бўйича тушунтириш бериш амалиётига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 572 та (16%), Давлатобод туманида 320 та (9%), Уйчи туманида 318 та (9%) ва Янги Наманган туманида 306 та (8%)** ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Уй-жой ва ер майдони олиш **828 та (ёки 23%),** Моддий ёрдам аржатиш **445 та (ёки 12%)** ва Соғлиқни сақлаш масалаларида **197 та (ёки 5%)**ни ташкил этади.

### **Шаҳар ва туманлар ҳокимликларига келиб тушаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича**

**2025 йил 12 ойи** давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига жисмоний ва юридик шахслардан **жами 23 921 та** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **11 146 та (ёки 47%) оғзаки,** **5 051 та (ёки 21%) ёзма** ва **7 582 та (ёки 32%) виртуал** мурожаатлар келиб тушган бўлиб, **2024 йилнинг мос даврида** бу кўрсаткич **21 805 тани** ташкил этгани ҳолда **2 116 та (ёки 9%)га кўпайган.**

**2025 йилнинг 12 ойи** давомида шаҳар ва туманлар ҳокимликларида раҳбарлар томонидан **11 146 нафар** жисмоний ва юридик шахслар қабул қилинган бўлиб, ўтган 2024 йил январь ойида бу кўрсаткич **9 904 нафарни** ташкил этган бўлиб, қабулга келувчилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **1 242 тага (ёки 11%)га кўпайган.**

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳар ва туманлар ҳокимликларига фуқаролардан тўғридан-тўғри **жами 5 051 та** ёзма мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024 йилнинг мос даврида** ушбу кўрсаткич **5 705 тани** ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **654 тага (ёки 13%)га камайган.**

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида **шаҳар ва туманлар ҳокимликларига** фуқаролардан Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали жами **7 582** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган **2024** йилнинг мос даврида ушбу кўрсаткич **6 196** тани ташкил этган ҳолда мурожаат этувчилар сони **1 386** тага (**ёки 18%**)га кўпайган.

Энг кўп мурожаатлар **Наманган шаҳрида 2 725** та (**10%**), **Янгиқўрғон туманида 2 332** та (**8%**), **Мингбулоқ туманида 2 155** та (**8%**) ва **Поп туманида 2080** та (**7%**) ҳиссасига тўғри келади.

Вилоят ҳокимлигига келиб тушаётган мурожаатларни масалалар кесимида таҳлил этилганда, асосий мавзулар Моддий ёрдам аржатиш **2086** та (**ёки 7%**), Уй-жой ва ер майдони олиш **1 844** та (**ёки 7%**), Соғлиқни сақлаш масалаларида **1 165** та (**ёки 4%**) ва уй-жой таъмири масалаларида **1 152** та (**ёки 4%**)ни ташкил этади.

Туман ва шаҳар ҳокимликлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан кунлик сайёр қабуллар ўтказилган ва шу сабабали ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мурожаатлар сони ортган.